

## Ошуро куни

﴿يوم عاشوراء﴾

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]

Абу Закриё ал Мадиний

**Нашрга тайёрловчи:** *Шамсиддин Дарғомий*

2010 - 1431

islamhouse.com

~1~

# ﴿يوم عاشوراء﴾

« باللغة الأوزبكية »

أبوزكريا المدني

تحرير: شمس الدين درغامي

2010 - 1431

islamhouse.com

~2~

## Мухаррам ойида нафл рўза тутишнинг фазилати

Бисмиллаҳ валхамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ((أَفْضَلُ الصِّيَامِ بَعْدَ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمِ، وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ صَلَاةُ اللَّيْلِ)) رواه مسلم.

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят килиб деди: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллохнинг Мухаррам ойидаги рўзадир, фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир» (Имом Муслим ривояти).

Бу хадисдаги «Аллохнинг Мухаррам ойи» деб ойни Аллохга кўшиб айтишликдан мақсад, бу ойнинг фазлини баён килишдир. Мулло Алий ал-Кори «хадиснинг зохирий маъносидан мухаррам ойнинг хаммаси тушунилмоқда» - дедилар. Лекин, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам рамазондан бошка бирор ойда тўла рўза тутмаганлари собит бўлган. Шунинг учун бу хадисдан мухаррам ойида тўлик рўза тутиш эмас балки, унда иложи борича кўпроқ рўза тутишликка тарғиб килинганлиги тушунилади.

## Ошуро кунида рўза тутишнинг фазли

Уламоларнинг сўзларига кўра «Ошуро» мухаррам ойнинг ўнинчи кунидир.

Унинг фазилатини куйидаги хадислар баён килади:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: «مَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَحَرَّى صِيَامَ يَوْمٍ فَضَّلَهُ عَلَى غَيْرِهِ إِلَّا هَذَا الْيَوْمَ: يَوْمَ عَاشُورَاءَ» وَهَذَا الشَّهْرُ يَعْنِي شَهْرَ رَمَضَانَ.

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумо дедилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламни ошуро кунидаги каби бирор куннинг рўзасини афзал билиб, унинг рўзасини тутишга тиришганларини кўрмадим» ва мана шу ой яъни рамазон ойи(да хам шундай тиришар эдилар).

وقال النبي صلى الله عليه وسلم: ((صيام يوم عاشوراء، إني أحسب على الله أن يكفر السنة التي

قبله)) صحيح الجامع ٣٨٥٣.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Мен Аллохдан Ошуро кунининг рўзасини ўтган йилга каффорот килишини умид киламан» (каффорот бирор килинган ёмон амални ювиб юборувчи амал ёки нарса, хадиснинг маъноси ўтган йилда килинган кичик гуноҳлар.) Аллох таолонинг бизга бу каби унинг рўзаси билан бир йиллик гуноҳ сагираларни ювиб юборадиган бир кунни бериб кўйиши, роббимизнинг мислсиз фазлу карам сохиби эканлигига далолат килади.

## Бу кунда яхудийларга хилоф иш тутиш

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ((قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ فَرَأَى الْيَهُودَ تَصُومُ يَوْمَ عَاشُورَاءَ فَقَالَ: مَا هَذَا؟ قَالُوا: هَذَا يَوْمٌ صَالِحٌ. هَذَا يَوْمٌ نَجَّى اللَّهُ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ عَدُوِّهِمْ. فَصَامَهُ مُوسَى. قَالَ: فَأَنَا أَحَقُّ بِمُوسَى مِنْكُمْ. فَصَامَهُ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ)) رواه البخاري.

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумо дедилар: «Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам Мадинага келганларида яхудийларни Ошуро кунда рўза тутадиганларини кўрдилар ва бу кандай кун деб сўрадилар? Улар: Бу яхши кун, бу кунда Аллох Бани Исроилни душманларидан халос этган ва Мусо у кунда рўза тутган дедилар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Мен Мусога сизлардан кўра хаклирокман» - дедилар ва бу кунда рўза тутдилар ва унда рўза тутишга буюрдилар». (Имом Бухорий ривояти)

وفي رواية مسلم: ((هذا يوم عظيم أنجى الله فيه موسى وقومه وغرق فرعون وقومه)).

Имом Муслимнинг ривоятларида «Бу улуг кун Аллох унда Мусо ва унинг кавмига нажот берган, Фиръавн ва унинг кавмини гарк килган» дейилган. «Мусо у кунда рўза тутган» ибораси Муслим ривоятларида «Мусо у кунда Аллохга шукр килиб рўза тутган биз ҳам тутамиз» зиёдаси билан келган.

«Бу кунда рўза тутишлик жохилият даврида пайгамбаримиз келишларидан аввал хам маълум бўлган, Оиша онамиз розияллоху анхондан собит бўлган ривоятда дейдилар: «Жохилиятдаги одамлар хам у кунда рўза тутар эдилар». Имом Куртубий айтадилар: «Курайш бу куннинг рўзасини тутишда Иброхим алайхис-салом каби ўзларидан аввалгиларнинг шариатларига мувофик амал килган бўлишлари мумкин. Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам хам Маккадалик вақтларида бу кунда рўза тутганлари ривоятларда собит бўлган, Мадинага хижрат килганларида яхудларнинг бу кунда жамланишиб байрам килаётганларини кўрдилар, шунда улардан бунинг сабабини сўрадилар, улар юкордаги хадисда зикри ўтганидек жавоб бердилар. Пайгамбаримиз яхудларга хилоф ўларок бу кунни байрам килмасдан балки, унда рўза тутишга буюрдилар. Имом Муслимнинг ривоятларида «Ошуро яхудлар уни улуглаб байрам киладиган кун эди» дейилади.

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламнинг бу кунда рўза тутишга буюришларига ундовчи нарса яхудларга хилоф иш тутишни севишлик бўлиб уларнинг оғизлари очик бўладиган ийд кунда рўза тутишликдир.» («Фатхул борий шарху сахирил Бухорий» даги Хофиз Ибн Хажарнинг сўзларидан кискартириб келтирилди).

Яхудларга янада каттикрок хилоф иш килиш учун улар бу кунда рўза тутадиган бўлсалар улардан аввал бир кун кўшиб рўза тутишга расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам амр этганлар:

## Мухаррамнинг тўккизинчи ва ўнинчи кунларида рўза тутишнинг мустахаблиги

روى عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ((حِينَ صَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُ يَوْمٌ تُعْظَمُهُ الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَإِذَا كَانَ الْعَامُ الْمُقْبِلُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ صُمْنَا الْيَوْمَ التَّاسِعَ. قَالَ: فَلَمْ يَأْتِ الْعَامُ الْمُقْبِلُ حَتَّى تُؤْفَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ)). رواه مسلم.

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумо ривоят киладилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Ошуроода рўза тутиб ва бунга буюрганларида сахобалар айтдилар: Бу яхуд ва насоролар улуглайдиган кун. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам «ин ша Аллох келаси йил бўлса тўккизинчи кунни хам тутамиз» дедилар. Келаси йил келмасдан туриб расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам вафот этдилар» (Имом Муслим ривояти).

Салаф уламолари тўккизинчи ва ўнинчи кунларда рўза тутиш мустахаб дедилар. Чунки, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам ўнинчи кунни тутиб тўккизинчи куннинг рўзасини ният килган эдилар.

Баъзи уламолар тўккиз билан ўнни бирга кўшиб тутишнинг сабаби ўннинг ўзида рўза тутиш билан яхудларга ўхшаб колмаслик бўлса керак дедилар.

Айтиб ўтилган сўзларга биноан Ошуро рўзасини тутишнинг бир неча кўринишлари бор экан, унинг энг ози факат ўнинчи кунни тутиш, ундан кейингиси тўккизинчи кунни кўшиб тутиш, ундан кейингиси эса ўнинчига ўн биринчини кўшиб тутиш. Мухаррамда канча кўп рўза тутилса шунча яхши.

## Ошуро рўзаси нимага каффорот бўлади

Имом Нававий роҳимахуллох шундай дедилар: «Барча кичик гуноҳларга каффорот бўлади, бунинг маъноси у (рўза тутган)нинг катта гуноҳларидан бошқа барча гуноҳлари кечирилади деганидир».

Яна сўзларида давом этиб дедилар: «Арафа кунининг рўзаси икки йилга каффорот бўлади, Ошуроники бир йилга, намоз ўқувчининг «омини» фаришталарнинг оминларига мувофик келса унинг аввалда қилган гуноҳлари кечирилади. Зикри ўтган амалларнинг хаммаси каффорот учун яроқлидир, агар каффорот қилиниши керак бўлган гуноҳ сагиралар топилса каффорот қилади, қабира ҳам сагира ҳам топилмаса бу амаллар соҳибига хасанотлар ёзилади, унинг даражаси бир поғонага кўтарилади. Агар бу амаллар битта ёки бир нечта гуноҳ қабирага йўликсаю гуноҳ сагираларга йўликмаса қабираларни енгиллатишини умид қиламиз» («Алмажмуъ шархул-Мухаззаб» 6-жуз Арафанинг рўзаси)

Шайхул ислом Ибн Таймийя айтадилар: «Тахорат, намоз, рамазон рўзаси, Арафа ва Ошуронинг рўзалари гуноҳ сагиралар учунгина каффорот бўлади»

## Рўзанинг савоби билан алданмаслик

Баъзи кишилар Ошуро ёки Арафа қаби кунларнинг рўзаси билан алданиб қоладилар, хаттоки баъзилари шундай дейди: Ошуронинг рўзаси бир йиллик гуноҳларни ювиб юборади, Арафанинг рўзаси бўлса зиёдаи ажр бўлиб (фойдага) қолади. Ибнул-Коййим дейдилар: «Мана бу алданган кимса рамазоннинг рўзаси, беш вақт намоз Арафа ва Ошуро рўзаларидан улугроқ ва каттароқ эканлигини билмайди, холбуки, намоз ва рўза бир-бирларининг ўрталаридаги сагираларга каффорот бўлиши учун катта гуноҳлардан сақланилган бўлиши шарт. Рамазон келгуси рамазонгача, жума келгуси жумагача ўрталаридаги кичик гуноҳларни ювиб юборишга қодир бўлиши учун унга катта гуноҳларни тарқ қилишнинг қўшилиши зарур. Шу икки иш бирлашгандагина гуноҳ сагираларни ювиб юбора оладилар. Баъзи алданган кишилар қилган тоат-ибодатлари гуноҳларидан кўп деб ўйлайди. Бу бечора қилган ёмон амалларини ҳисоб-китоб қилмайди, бирор гуноҳ иш қилиб қўйдиммикин деб ўйламайди ҳам. Бир яхши амал қилса, унга маҳкам ёпишиб олади, бу одам худди тили билан бир кунда юз марта тасбех ёки истиғфор айтган сўнгра мусулмонларни гийбат қилган ва уларнинг обрўларига путур етқизган, қуни бўйи Аллоҳ рози бўлмайдиган гапларни сўзлаган кишига ўхшайди. Бу қаби одамлар тасбех ва тахлилларни улкан-улкан ажрларига қарайдилар ва лекин, гийбатчи, ёлгончи ва ўйдирмачиларнинг жазоларига қиё бокмайдилар, бу кип-қизил хом хаёлликдир».

## Бидъатлардан сақланиш

Азиз биродарлар, бу улуг ойда хар хил бидъат ишлардан узок бўлинглар! Баъзи одамлар бу кунни байрам қилсалар бошқалари уни мотам қуни қиладилар. Хар икки

амал суннатга хилофдир. Бу кунни мотам куни килувчиларнинг даъволарига кўра бу кунда Хусайн ибн Алий розияллоху анхумонинг катл килингандир. Улар рофиза-шийъалардир, уларнинг йўлларига эргашиб ислом кайтарган юзига уриб, кўйлакларини йиртиб, доду фарёд чекиб, баданларига занжирлар билан уриб, конатиб аза тутишдан эҳтиёт бўлинг! Бу ислом динига ёт бўлган бидъат ишдир. Ислом уларнинг бу амалларидан покдир, Аллох бандаларига меҳрибондир, уларни бу каби ўзини ўзи азоблайдиган амалларга буюрмайди.

Келинг азиз ака-укалар ва опа-сингиллар бу улуг айёмларда Аллохнинг ибодатига тиришайлик, Аллох рози бўладиган ишларни килиб, у суймайдиган амаллардан четланайлик!

Аллох таоло барчаларимизни ўзи суйиб рози бўладиган амалларга муваффақ айласин, тўғри йўлидан адаштирмасин!

Аллох пайгамбаримизга, унинг оиласи ва саҳобаларига салават ва саломлар йўлласин!

07/03/2003